МІЖНАРОДНА НАУКОВО-ПРАКТИЧНА
ІНТЕРНЕТ-КОНФЕРЕНЦІЯ

# «ТЕНДЕНЦІЇ ТА ПЕРСПЕКТИВИ РОЗВИТКУ НАУКИ І ОСВІТИ В УМОВАХ ГЛОБАЛІЗАЦІЇ»



**ВИПУСК 59**

**29 травня 2020 р.**

**м. Переяслав**

УНИВЕРСИТЕТ ГРИГОРИЯ СКОВОРОДЫ
В ПЕРЕЯСЛАВЕ

Совет молодых ученых университета

Материалы
Международной научно-практической интернет-конференции

# «ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ»

29 мая 2020 года

Вып. 59

Сборник научных трудов

Переяслав – 2020

**REFERENCES**

1. The concept of "labor potential" and its main characteristics. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-trudovoy-potentsial-i-ego-osnovnye-harakteristiki/viewer. Date of access: 19/05/2020.
2. Human Development Report 2019.Data for Belarus. URL: https://www.by.undp.org/content/belarus/ru/home/presscenter/pressreleases/_-_--_-_-_-_-_-------/_--_-_-_.html. Date of access: 21/05/2020.
3. Mikhail Petrovich Pilui, Maria Vyacheslavovna Vyshnikova «Belarus labor resources: forecast of formation and use», 2019.

**УДК 633.2.034:631.15:33**

***Ганийбай Дусмуратов***
***(Ташкент, Узбекистан)***

## ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Мақолада давлат-хусусий шериклик (ДХШ) секторининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий база таҳлил этилган. Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш назарда тутилаётган йўналишлар ва уларнинг турлари аниқланган.*

***Калит сўзлар:*** *давлат-хусусий шериклик, ДХШ концепцияси, агросаноат кластерлари, ДХШни тартибга солиш, ДХШ механизмлари, ДХШни ривожлантириш дастури.*

*The article analyzes the regulatory framework necessary for the effective functioning of partnerships between the public and private sectors. The directions of development and the types of public-private partnership in agriculture and water management are defined.*

***Keywords:*** *public-private partnership, PPP concept, agro-industrial clusters, PPP regulation, PPP mechanisms, PPP development program.*

Замонавий шароитларда давлат органлари ва бизнес ўртасидаги муносабатлар самарали бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг зарур шарти сифатида қаралади. Давлат-хусусий шерикликни (ДХШ) ҳуқуқий расмийлаштириш, ҳам умумий ҳам махсус ДХШ учун ишлаб чиқилган турли хил ҳуқуқий конструкциялар орқали мумкин бўлади. Таъкидлаш лозимки, 2019 йил 10 майда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда ўта манфаатдор, лекин уларни ташкил этиш ва амалга оширишда мазкур масаланинг тартибга солинмаслиги билан боғлиқ маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Шундай қилиб, ДХШни тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий базани ривожлантириш зарурати ўта кескин турибди.

Давлат-хусусий шериклик секторининг самарали фаолият кўрсатиши учун етарли даражада ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий база зарур. Ўзбекистон Республикасида ДХШ учун ҳуқуқий базани концессия, хусусийлаштириш, табиий монополиялар, рақобат, хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисидаги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий инфраструктуранинг алоҳида секторларидаги ислоҳотлар бўйича миллий қонунчилигимизда қабул қилинган қонунлар ташкил этади.

ДХШ соҳасида ҳал қилувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни умумий тарзда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. ДХШ шаклларини тартибга солиш ("Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги, "Концессиялар тўғрисида"ги, "Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"ги, "Эркин

иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, «Лизинг тўғрисида»ги қонунлар, Фуқаролик кодекси (шартнома тузилиши) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори).

2. Ҳуқуқ тармоқлари бўйича (Фуқаролик кодекси, Бюджет кодекси, Солиқ кодекси, Ер кодекси, Шаҳарсозик кодекси, “Рақобат тўғрисида”ги, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Табиий монополиялар тўғрисида”ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунлари).

3. Ривожланиш институтларига нисбатан (инвестиция бўйича консультациялар бериш хизматини бажарувчи банклар томонидан белгиланган ҳужжатлар; ривожланиш жамғармалари ташкил этиш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш).

4. Қўллаш соҳалари бўйича (Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Низом, Сув хўжалиги соҳасидаги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Низом, Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Низом, Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом, Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори).

Таъкидлаш жоизки, норматив-ҳуқуқий база мунтазам тўлдирилиб борилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Сўнги йиллар давомида тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган, амалдаги қонунларга ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилмоқда, тармоқларда ДХШнинг ташкил этиш механизмлари бўйича ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда. Бутун дунёда қўлланиладиган механизмлар мамлакатимиз қонунларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Тақдим этилган давлат-хусусий шериклик масалаларини тартибга солувчи ҳозирги вақтдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи қуйидагича хулоса қилишга имкон беради, қонунчилигимиз давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларда қўллаш мумкин бўлган инструментларнинг зарур жамланмасини таклиф қилишни назарда тутган.

Шунингдек, *ДХШ соҳасини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишда муаммолар* мавжудлигини таъкидлаш лозим. Биринчи даражали муаммо, бизнинг назаримизда, бугунги кунга давлат ҳали Ўзбекистонда ДХШни ривожлантириш тенденцияларини танлашни шакллантирмаганлиги ҳисобланади. Ягона концепциянинг мавжуд эмаслиги ДХШни тартибга солувчи қонунларни амалга ошириш механизмлари номукаммаллигига таъсир кўрсатади. Концепция ДХШни тушуниш ва англашни акс эттириши, предмет аниқ аниқланган тизим сифатида ҳокимият ва бизнес шундай ўзаро муносабатларини қараб чиқиши лозим. “Ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. Бироқ бу борада етарли иш олиб борилмаётганини қайд этиш жоиз. Шунинг учун **Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак” [1, 5-б].

Энди меъёрий ҳужжатларда қишлоқ ва сув хўжалигида ДХШни амалга ошириш белгилаб берилган йўналишларга тўхталиб ўтамиз.

Республикадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни давлат-хусусий шериклик асосида янада

ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, модернизация қилиш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш бўйича чора тадбирлар белгиланган.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказига қарашли Бухоро чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази” ташкил этилган. Ушбу Марказ республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ўз филиалларини ташкил этиши ва келгусида Марказ ҳамда унинг филиаллари фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида йўлга қўйиши мумкинлиги белгиланган.

Республикада 2018 – 2023 йилларда балиқчилик соҳасини жадал инновацион ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури биринчи навбатда “...қимматли балиқ турлари ва чавоқларини интенсив етиштириш учун питомник ва наслчилик ишларини давлат-хусусий шериклик шартларида такомиллаштириш”га йўналтирилган.

Бойитилган озуқаларни (шрот, шелуха, омухта ем) узлуксиз етказиб бериш, мустақил озуқа базасини шакллантириш учун унумдор ерлар ажратиш ва аҳолидан чорва молларини харид қилиш учун нақд пул шаклида қисқа муддатли кредитлар бериш йўли билан чорва молларини бўрдоқига боқиш учун шароитлар яратишни назарда тутган ҳолда **давлат-хусусий шериклик** шартларида қишлоқ туманларида, айниқса вилоятлар ва республика даражасидаги шаҳарларга яқин ҳудудларда бўрдоқичилик хўжаликларини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мавжуд совуткичлар, қайта ишлаш корхоналари қувватларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Сув хўжалиги бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва мақбуллаштириш учун Сув хўжалиги тизимида, шу жумладан сув хўжалиги объектларини қуриш, бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳаларида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Бренд ва тижоратбоп, шунингдек, дурагай ва лицензияланган навларнинг уруғлик материалини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи уруғчилик компанияларини, шу жумладан чет эл капитали иштирокида ва давлат-хусусий шериклик асосида компанияларни ташкил этишни назарда тутувчи тадбирлар белгиланган. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида агросаноат кластерларини янада ривожлантириш масалаларига асосий эътибор қаратилган [2, 15 б].

Кўриниб турганидек, тармоқда ДХШни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий база энди шаклланмоқда [3, 55 б.]. Уларда фақатгина йўналишлар белгилаб олинган бўлиб, тўлақонли ҳуқуқий базани шакллантириш энди бошланмоқда. Ушбу йўналишларни амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, ДХШни ривожлантиришнинг норматив базаси ўзининг шаклланиш йўлида қатор муаммолар ва чекловларга дуч келмоқда, айнан: ДХШни ривожлантиришнинг Давлат концепцияси ҳамда унинг моделларини босқичма босқич киритиш ва фойдаланиш стратегияси мавжуд эмаслиги; оммавий ҳокимият органлари ва бизнес-структуралар ўртасида оммавий-ҳуқуқий характердаги шартнома ва битимлар тузишга йўл қўйилса бўладиган тармоқлар ва соҳаларни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари қонунчилик даражасида мавжуд эмаслиги узоқ муддатли характердаги ўзаро муносабатлар ўрнатишга имкон бермайди; банк тизимининг етарлича ривожланмаганлиги; концессион, бюджет ва ер қонунчилигининг номувофиқлиги; юқори трансакция харажатлари; ДХШ соҳасида малакали мутахассисларнинг бундай лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқариш тажрибасига эга эмаслиги ва бошқалар. ДХШ тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши ва ДХШ механизмидан фойдаланиш инфраструктуравий, миллий лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган мамлакат миқиёсида давлат масалаларини самарали ҳал этишда ижобий динамика яратишга имкон беради ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишга ёрдам беради. Бу ерда шерикликни

ташкил этишнинг бутун жараёнини етарлича ва конкрет меъёрий тартибга солишни таъминлайдиган аниқ меъёрий мажмуани ишлаб чиқиш муҳимдир.

## ИСТОЧНИКИ И ЛИТЕРАТУРА

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017.

2. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Тошкент "Zamin Nashr", 2018. 168 б.

3. Игнатюк Н.А. Государственно-частное партнерство. Учебник. М. Юстицинформ, 2012. 384 с.

**УДК 330.34:369.014**

***Тетяна Корягіна***
***(Дніпро, Україна)***

## СОЦІАЛЬНО-ЕКОНОМІЧНІ ПРОБЛЕМИ РОЗВИТКУ ЕКОНОМІКИ УКРАЇНИ

*Розглянуто основні характеристики соціально-економічного розвитку економіки України на сучасному етапі. Визначено головні проблеми, що виникають у процесі трансформації, обґрунтовано напрями оптимізації соціально-економічного розвитку на основі раціоналізації соціальної політики.*

***Ключові слова:*** *соціально-економічний розвиток, рівень життя, соціальна політика, економічний стан.*

*The main characteristics of socio-economic development of Ukraine's economy at the present stage are considered. The main problems that arise in the process of transformation are identified, the directions of optimization of socio-economic development on the basis of rationalization of social policy are substantiated.*

***Key words:*** *socio-economic development, standard of living, social politics, economic situation.*

Україна взяла на себе зобов'язання формувати соціально-орієнтовану економіку, яка ґрунтується на ринкових механізмах функціонування.

Під соціально-ринковим господарством слід розуміти певну соціально-економічну політику, яка поєднує в собі принципи свободи на ринку з принципом соціального вирівнювання, тобто поєднання вільної конкуренції з соціальною справедливістю. Такий соціально-економічний устрій і відповідна йому політика переслідують певні цілі. Економіка має в цілому розвиватися на ринкових засадах, кожна людина має отримувати щонайбільше свободи в економічній сфері, особиста ініціатива приватних підприємців одержує щонайбільшого сприяння і заохочення, державне втручання потрібне лише в громадянських інтересах в цілому і для безперервного функціонування соціально ринкової економіки [2, с. 265].

Головним соціально-економічним завданням для України в останні роки було і залишається утримання макроекономічної стабільності, посилення спроможності бізнесу до довгострокового зростання і розвитку, забезпечення соціального захисту населення. На жаль, розвиток внутрішніх процесів – економічних та соціальних не зазнали суттєвого покращення та не забезпечили підвищення рівня життя українців, про що свідчать основні макроекономічні показники (табл. 1). Додаткового негативного впливу на соціально-економічний розвитку України завдають глобальні і зовнішньо-економічні процеси, що пов'язані з уповільненням економічної динаміки в світовій економіці та впливом розповсюдження пандемії в світі в 2020 р.

*Ганийбай Дусмуратов*
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ 58
*Тетяна Корягіна*
СОЦІАЛЬНО-ЕКОНОМІЧНІ ПРОБЛЕМИ РОЗВИТКУ ЕКОНОМІКИ УКРАЇНИ 61
*Timur Nurimbetov, Sarsengaliy Bayjanov*
«SMART» AGRICULTURE AS A VECTOR FOR THE GROWTH OF THE AGRICULTURAL SECTOR OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN 65
*Ольга Складанівська*
ВПЛИВ ПАНДЕМІЇ COVID-19 НА РЕЗУЛЬТАТИВНІСТЬ ДІЯЛЬНОСТІ АВТОТРАНСПОРТНИХ ПІДПРИЄМСТВ 67
*Євгенія Талавіра*
ГЛОБАЛЬНА ФІНАНСОВА КРИЗА ТА ЇЇ ВПЛИВ НА РОЗВИТОК НАЦІОНАЛЬНИХ ФІНАНСОВИХ СИСТЕМ 69
*Куанышбай Утегенов*
ЛИЗИНГ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКИСТАНА 71
*Мария Фиштик*
THE IMPORTANCE AND ECONOMIC EFFICIENCY OF THE WINE PRODUCTION FOR THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF MOLDOVA 74

**МЕНЕДЖМЕНТ І МАРКЕТИНГ /**
**МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ**

*Svetlana Gangan, Marcelia Mitriuc*
MARKETINGUL RESURSELOR UMANE PENTRU ÎNTREPRINDERILE DIN REPUBLICA MOLDOVA 77
*Ойбек Маманазаров, Дурдона Иноятова, Хусния Ибрагимова*
НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ 81
*Ойбек Маманазаров, Дурдона Иноятова, Фаррух Илёсов*
ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ 83
*Ойбек Маманазаров, Дурдона Иноятова, Раъно Косимова*
ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДА КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ 85
*Лана Пономаренко, Ірина Приварникова*
ЕКО-БУДІВНИЦТВО ЯК СПОСІБ ВЕДЕННЯ ЕКОЛОГІЧНО ВІДПОВІДАЛЬНОЇ ЕКОНОМІЧНОЇ ДІЯЛЬНОСТІ 87
*Мар'яна Романчукевич, Ростислав Баран*
ВДОСКОНАЛЕННЯ АГЛОРИТМУ УПРАВЛІННЯ ІННОВАЦІЙНОЮ ДІЯЛЬНІСТЮ ПІДПРИЄМСТВА 89
*Юлия Рыбалко, Дарья Матылицкая*
ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРОДУКТОВОГО РИТЕЙЛА В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ 92
*Луэра Смайлова*
АТЫРАУ ОБЛЫСЫНДА МІНДЕТТІ ӘЛЕУМЕТТІК МЕДИЦИНАЛЫҚ САҚТАНДЫРУ МӘСЕЛЕРІНІҢ ДАМУ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ 94
*Яна Тимчук*
ВПЛИВ АНГЛІЙСЬКОЇ МОВИ НА ЗОВНІШНЮ РЕКЛАМУ (НА ПРИКЛАДІ МІСТА РІВНОГО) 98
*Бауыржан Төлеген*
ХАЛЫҚ АУРУЛАРЫН БАСҚАРУ БАҒДАРЛАМАСЫН ТИІМДІ ПАЙДАЛАНУДЫҢ ПЕРСПЕКТИВАЛЫҚ БАҒЫТТАРЫ 101